

# **“Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтди**



Тадбир дастурининг навбатдаги қисми туман Ички ишлар бўлимида давом эттирилиб, унда иштирокчилар Ички ишлар бўлимида ташкил этилган ватанпарварлик бурчаги, хизмат хоналари ва уларнинг хизмат фаолияти билан яқиндан танишишди.

Шунингдек, иштирокчиларга бўлимдаги махсус техникаларга оид йўриқномалар берилди.

Тадбир доирасида иштирокчиларни туман Ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари ёшларни уларни тарбиялаб вояга етказаётган ота-онаси, устозлари ишончини оқлаш, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш, юртимиз ривожига ҳисса қўшиш, ўқиб-изланиб, теран фикрлаш, эртанги кунимиз равнақи учун мустаҳкам пойdevор бўлишга чақирди.